
ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ ВА ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИК

Экологик ҳуқуқ ва экология қонунчилигининг такомиллашиши мамлакатимизда экологик сиёсатнинг янада ривожланишига имконият яратади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида табиий ресурслар давлат муҳофазасида эканлиги кафолатланди, фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти белгилаб қўйилди. Бу эса экологик қонунчиликнинг янада ривожланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилди. Экологик қонунчилик иқтисодиёт ва экологиянинг ўзаро боғлиқлигини юзага чиқаради. Айнан шу талабдан келиб чиқиб Конституцияда мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бирга мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахл қилмаслиги шарт.

Дунё тажрибасидан маълумки, экология соҳасида қабул қилинган қонунлар атроф-муҳитни муҳофаза этишда барча бошқарув тизимларининг тўлақонли фаолияти ва кенг жамоатчилик иштирокини назарда тутди.

Ер, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, эъозлаш нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга молик масаладир. "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг экологик хавфсизликни таъминлашдаги иштирокини кучайтириш билан бирга уларнинг бу борадаги масъулиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг экологик қонунчилиги атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазасини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, ҳар бир фуқарога қулай табиий шароитларда яшаш ва ишлаш имкониятини яратиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Аббосбек Ҳамдамов,

Экологик партия ташкилоти Риштон туман бўлими раиси.

2020-06-09 18:11:56